
Халқ таълими вазирининг туманимизга ташрифи

Бугун Халқ таълими вазири Шерзод Шерматов Тошлоқ тумани ҳокими Абдуқаҳҳор Джурабаев ҳамроҳлигида 6-мактабга ташриф буюрди. Мазкур мактабни 2019-2020 ўқув йилида 182 нафар 11-синф ўқувчилари тамомлаб, уларнинг 70 фоизи ОТМларга кириш бахтига сазовор бўлишди. Мактабнинг 11-«г» синфини эса 30 нафар битирувчи тамомлаб, уларни 26 нафари талаба бўлди. Ушбу синф ўқувчиларининг ОТМга кириши 87 фоизни ташкил қилмоқда. Ш.Шерматов буни устоз, мураббийлар ва билимга чанқоқ ўқувчиларнинг машаққатли меҳнатлари, саъй-ҳаракатларининг самараси сифатида кўриш мумкинлигини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, ташриф давомида битирувчи синф ўқувчилари ва таълим муассасасининг фидойи ўқитувчилари билан учрашув ҳам ташкилланди.

2021-01-30 19:24:05